2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 121 (121), 2020 йил 2 июль, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



## Иқтисодиётнинг етакчи кучи



**Баҳодир ГОЙИБНАЗАРОВ,**
Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор:

...этилган видеоселектор йиғилишида қайд этганидек, ўтган йилда рўйхатдан ўтган тадбиркорларнинг, яъни янги бизнес субъектларининг 23 мингтаси ёки 24 фоизи бугунги кунда фаолият кўрсатмаяпти.

Бу борадаги тадқиқотлар, энг аввало, тадбиркорнинг ўз фаолиятини юритиши учун молиявий маблағлар, инфратузилма етарли эмаслиги, айрим ҳолларда кредит олиш, ҳудудларда (айниқса қишлоқ жойларда) газ таъминоти, электр энергияси билан бир маромда таъминлашдаги муаммолар ва бюрократик тўсиқлар мавжудлиги кўрсатмоқда.

Иккинчи жиҳат тадбиркорнинг ўз фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош...

— Кичик ва ўрта бизнес ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди. Европа Иттифоқидаги барча корхоналарнинг 99 фоизи ва иш ўринларининг 85 фоизи кичик ва ўрта корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, ҳозирги пандемия шароитига ўхшаш нобарқарор ва ресурслар чекланган ҳолатларда истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади.

Тадбиркорлик янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизлик муаммосини ҳал этишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Айни кезда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

...эмаслиги, халқаро ва маҳаллий стандартларга жавоб бера олмаслиги ва бунинг натижасида ишончли харидор топишдаги муаммолар келиб чиқади. Бу, ўз навбатида, маҳсулот ва экспортни диверсификациялашга тадбиркорлик субъектларининг кам эътибор қаратиши, бизнес режанинг мукаммал тузилмаганлиги ва раҳбарларнинг иқтисодий билими, ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда бошқарувчилик қобилиятининг пастлиги билан узвий боғлиқ.

Шу боис ҳам видеоселектор йиғилишида фаолият бошлаётган кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янги тизимини ишлаб чиқиш топшириғи берилди. Бунда тадбиркорни махсус курсларда ўқитиш, субъектни рўйхатдан ўтказиш, асбоб-ускуна сотиб олиш харажатларининг бир қисмига грант ажратиш назарда тутилади. Ушбу тизимнинг вертикал ижросини таъминлаш учун ҳозирда фақат республика даражасида фаолият юритаётган Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ишини тумангача тушириш лозимлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида унинг иқтисодий кўрсаткичлари жаҳондаги тараққий этаётган давлатлар даражасига яқинлашиб боряпти. Бу, ўз навбатида, соҳада етарли шарт-шароитлар мавжудлигидан далолат беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2019 йилда 56,5 фоизга етиб, ўсиш 182,3 фоизни ташкил этди. Унинг саноатдаги ҳиссаси ана шу муддат мобайнида 270,5 фоизга ўсгани ҳолда, экспортдаги улуши 2000 йилдаги 10,2 фоиздан 2019 йилда 27 фоизга етган. Ўтган йилда мамлакатимизда 92,9 мингдан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилди. Бу 2018 йилга нисбатан 1,9 баробар кўпдир.

Президентимиз ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бюджет тушумларини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама...

**Аслида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш кадрлар масаласи билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун тадбиркорлик соҳасида раҳбар ва ходимларни ҳам "Бизнес-таҳлил" курси бўйича ўқитиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.**

Кичик бизнес соҳасининг барқарор ривожланишида инновацион ғоялар ва технологик ишланмалар ҳам муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам келгусида ҳар бир корхона ўз фаолиятида инновацион ишланмалардан самарали фойдаланиши ҳамда иш услубини инновацион асосда ташкил этиши зарур. Бу эса корхоналарнинг бардавом, барқарор фаолият юритишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

"Янги Ўзбекистон" мухбирлари
Абдурауф ҚОРЖОВОВ, Ирода ТОШМАТОВА ёзиб олди.

# Иқтисодиётнинг етакчи кучи



Баҳодир ҒОЙИБНАЗАРОВ,
Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор:

этилган видеоселектор йиғилишида қайд этганидек, ўтган йилда рўйхатдан ўтган тадбиркорларнинг, яъни янги бизнес субъектларининг 23 мингтаси ёки 24 фоизи бугунги кунда фаолият кўрсатмаяпти.

Бу борадаги тадқиқотлар, энг аввало, тадбиркорнинг ўз фаолиятини юритиши учун молиявий маблағлар, инфратузилма етарли эмаслиги, айрим ҳолларда кредит олиш, ҳудудларда (айниқса қишлоқ жойларда) газ таъминоти, электр энергияси билан бир маромда таъминлашдаги муаммолар ва бюрократик тўсиқлар мавжудлиги кўрсатмоқда.

Иккинчи жиҳат тадбиркорнинг ўз фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош

— Кичик ва ўрта бизнес ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди. Европа Иттифоқидаги барча корхоналарнинг 99 фоизи ва иш ўринларининг 85 фоизи кичик ва ўрта корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, ҳозирги пандемия шароитига ўхшаш нобарқарор ва ресурслар чекланган ҳолатларда истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади.

Тадбиркорлик янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизлик муаммосини ҳал этишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Айни кезда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

эмаслиги, халқаро ва маҳаллий стандартларга жавоб бера олмаслиги ва бунинг натижасида ишончли харидор топишдаги муаммолар келиб чиқади. Бу, ўз навбатида, маҳсулот ва экспортни диверсификациялашга тадбиркорлик субъектларининг кам эътибор қаратиши, бизнес режанинг мукаммал тузилмаганлиги ва раҳбарларнинг иқтисодий билими, ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда бошқарувчилик қобилиятининг пастлиги билан узвий боғлиқ.

Шу боис ҳам видеоселектор йиғилишида фаолият бошлаётган кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янги тизимини ишлаб чиқиш топшириғи берилди. Бунда тадбиркорни махсус курсларда ўқитиш, субъектни рўйхатдан ўтказиш, асбоб-ускуна сотиб олиш харажатларининг бир қисмига грант ажратиш назарда тутилади. Ушбу тизимнинг вертикал ижросини таъминлаш учун ҳозирда фақат республика даражасида фаолият юритаётган Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ишини тумангача тушириш лозимлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида унинг иқтисодий кўрсаткичлари жаҳондаги тараққий этаётган давлатлар даражасига яқинлашиб боряпти. Бу, ўз навбатида, соҳада етарли шарт-шароитлар мавжудлигидан далолат беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2019 йилда 56,5 фоизга етиб, ўсиш 182,3 фоизни ташкил этди. Унинг саноатдаги ҳиссаси ана шу муддат мобайнида 270,5 фоизга ўсгани ҳолда, экспортдаги улуши 2000 йилдаги 10,2 фоиздан 2019 йилда 27 фоизга етган. Ўтган йилда мамлакатимизда 92,9 мингдан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилди. Бу 2018 йилга нисбатан 1,9 баробар кўпдир.

Президентимиз ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бюджет тушумларини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама

**Аслида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш кадрлар масаласи билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун тадбиркорлик соҳасида раҳбар ва ходимларни ҳам "Бизнес-таҳлил" курси бўйича ўқитиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.**

Кичик бизнес соҳасининг барқарор ривожланишида инновацион ғоялар ва технологик ишланмалар ҳам муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам келгусида ҳар бир корхона ўз фаолиятида инновацион ишланмалардан самарали фойдаланиши ҳамда иш услубини инновацион асосда ташкил этиши зарур. Бу эса корхоналарнинг бардавом, барқарор фаолият юритишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

"Янги Ўзбекистон" мухбирлари
Абдурауф ҚОРЖОВОВ, Ирода ТОШМАТОВА ёзиб олди.